O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
F 202092

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 8-yanvar • Payshanba • 3 (27.964) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ватанимизнинг муқаддас остонаси, давлатимизнинг бош шаҳри бўлмиш азим Тошкент билан бутун Ўзбекистон халқи, барчамиз ҳақли равишда доимо фахрланамиз».

❖ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ

талабга жавоб берадими?

Қорақалпоғистон республика партия кенгашида фаолларнинг навбатдаги сиёсий семинари бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, Жўқорғи Кенгес депутатлари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари қатнашдилар.

Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Назира Матёкубова, раис ўринбосари Елеубай Бегманов «Ўзбекистон ХДП парламентчилик фаолияти: натижалар ва вазифалар», «Партия аъзолари, электорати онгида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш» мавзуида маъруза қилдилар. Бу борада амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган вазифалар ҳақида фикр юритдилар.

2009 йил Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганини бутун қорақалпоғистонликлар қўллаб-қувватламоқда. Қабул қилинадиган Давлат дастури бўйича депутатлик тузилмалари фикр ва таклифлар билдирмоқда. Қишлоқ ва овулларда истиқомат қилувчи аҳолининг манфаатларини тўлароқ ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, турар жойлар, йўллар қурилиши, ичимлик сув, табиий газ, электр қуввати билан таъминлаш, транспорт, коммуникация, маданий-маиший, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган ислоҳотлар самарасини оширишга партия фаоллари, депутатлар алоҳида эътибор қаратишлари зарурлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан Президентимизнинг ижтимоий йўналтирилган фармон ва қарорлари ижросини кучайтириш, партиянинг дастурий вазифаларини амалга ошириш, электоратимиз эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жўқорғи Кенгесдаги 86 нафар депутатнинг 35 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайлангани, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида 108 нафар депутатимиз борлигини ҳисобга олсак, катта кучга, имкониятга эгамиз. Афсуски, депутатлик гуруҳларимиз фаолияти ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас.

Семинарда, бир қатор шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари сусткашлиги танқид қилинди. Баъзи депутатлик гуруҳлари доимий режа асосида иш олиб бормаётганлиги таъкидланди. Уларнинг партия туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар билан алоқаси мустаҳкам эмаслигига эътибор қаратилди. Электорат орасида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг аҳамияти, партиямизнинг мақсади ва ғояларини тушунтириш ишлари ҳам кўнгилдагидек тўла-тўкис ҳал қилинган деб бўлмаслиги, депутатлик гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига ижтимоий жиҳатдан муҳим масалаларни киритиш борасида сусткашлик қилишаётганлиги, қонунлар ижросини таъминлашда ташаббус билан чиқмаётганлиги тўғрисида танқидий фикрлар билдирилди.

Семинарда партия туман ва шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар партия Дастури асосида бу борадаги ишларни тубдан яхшилаш чора-тадбирларини кўриб чиқишлари зарурлиги таъкидланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НУР УЛАШИБ

кўнгилларни чароғон этаётганлар

АНДИЖОН. Аҳолини электр энергияси билан бир маромда таъминлаш ва айни пайтда энергия тежамкорлигига эришиш — «Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг бош мақсадидир. Бугунги кунда жамият тасарруфидаги 1163 километр узунликдаги ҳаво тармоқлари, 299 та трансформатор пунктлари, 535 та тармоқ трансформаторлари пунктлари ва 26 километр узунликда ҳаво тармоқлари ҳам тез суръатларда қурилиб ишга туширилди. Электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиши ва ундан ноқонуний фойдаланиш ҳолларига барҳам берилмоқда. Электрон ҳисоблагич воситалари ўрнатиш ишлари ҳам изчил олиб борилаяпти.

Суратларда: *«Андижон» станцияси ходимлари (чапдан) Исомиддин Аҳмедов, Ёдгорбек Солиев, Абдурашид Сатимов ва Ойбек Сотволдиевлар; бошқарув пульти ходимлари (чапдан) Эркин Қорачаев ва Отабек Аҳмедов.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан Хоразм вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

— Мазкур ҳужжат чақирув тизимини тубдан ўзгартириб, миллий армиямизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, — дейди Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳодир Раҳимов. — Унга кўра, бўлажак аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги билан бирга маънавий салоҳияти, малака ва маҳорати, руҳий мувозанатини синовдан ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Барча чақирув пунктлари замонавий тиббий ускуналар, автотранспорт воситалари билан таъминланди. Жойларда ишонч телефонлари ўрнатилди. Чақирув пунктлари биноларини иссиқлик ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Боғот, Шовот, Хива ҳамда Хонқа туманлари мудофаа ишлари бўлимларида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган навбатдаги чақирувни юқори савияда ўтказишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЦЕМЕНТСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Навоий «Қизилқумцемент» очиқ акционерлик жамияти цементсозлари ўтган 2008 йилда илк бор 3 миллион тонналик қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариб, унинг 40 фоизини экспорт қилишди.

Жамоанинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги режалари эса янада улкан. Улар бу йил 3 миллион 100 минг тонна «400» маркали цемент тайёрлаб, тенг ярмини чет эл биржалари ва бозорларига қадоқланган ҳолда олиб чиқишни ният қилишган.



Корхонада янги йилнинг дастлабки ўн куни баракали бошланди. «Навоийда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида 30 минг тонна цемент харидорларга етказиб берилди.

Музаффар ШАРОПОВ

ЯНГИ УЙЛАР

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 19 нафар ишчиси Янги йилда янги ҳовли тўйлари ўтказишди. Завод маблағи ҳисобига нефтчилар шаҳарчасида қад ростлаган 3 ва 6 хонали шинам коттежларда ҳамма қулайликлар муҳайё.

— Бундай уй-жойлар қуриш ишлари, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳошим Қосимов. — Янги йилда ҳам давом эттирилади.

Даврон БАҲРОНОВ

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРГА СОВҒА

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Наманган санъат коллежи ўқувчиларига китоблар тақдим этди

Наманган санъат коллежида бўлиб ўтган китоблар тақдимотида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими директори Норқўзи Қўчқоров, коллеж ўқитувчилари Ботирали Ўришев, Шавкатбек Турғуновлар сўзга чиқиб, Президентимиз асарлари, санъатга оид адабиётлар ўқувчилар маънавиятининг юксалишида, касбий этикасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

— Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобини ўрганиш жараёнида бу асар ҳар биримизда бўлиши кераклигини англадим, — дейди коллеж ўқувчиси Дилдора Усмонова. — Умуман олганда, совға қилинган ҳар бир китоб биз ёшлар учун зарур қўлланма сифатида хизмат қилади.

Китобларнинг бир қисми аълочи ўқувчиларнинг шахсий кутубхонасидан, бир қисми коллеж ахборот-ресурс марказидан жой олди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

ҚИШКИ ТАЪТИЛ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, ногирон болалар саломатлигини тиклашга йўналтирилган дастурлар доирасида қишки таътил кунларини уюштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, ўтган 2008 йилнинг декабрь ойида жамғарма «Бўстон» дам олиш масканида Тошкент вилоятида яшовчи 145 нафар 9-12 ёшгача бўлган кам таъминланган оила фарзандларини мазмунли дам олишлари учун барча имкониятларни яратиб берди.

Янги йилнинг 2-12 январь кунлари эса ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Бўстон» оромгоҳида Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан яна 115 нафар бола қишки дам олиш масканига жойлаштирилди.

Сафда САЙХУН

МАҲАЛЛА АҲИЛ БЎЛСА...

СИРДАРЁ. Оқолтин тумани марказидаги Бобур ва Ҳамид Олимжон кўчалари бўйлаб кутилмаганда газ таъминотида узилиш содир бўлди. Қиш чилласида қувурлар ишдан чиқиб, бир километрга яқин масофадаги трассада зудлик билан жиддий таъмир ишларини бажаришга тўғри келди...

Собир Раҳимов номли маҳалла фаоллари туман газ идораси мутахассислари кўмагида ҳашар уюштиришиб, тўрт кун деганда трассада янгидан газ узатиш пункти қуриш ва 900 метрдан ошиқ қувур ётқизиш ишлари ҳамда таъмир юмушларини тўла ниҳоясига етказишди.

Мунаввар ПАРДАЕВ

✓ ТОШКЕНТ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

• БУЮК ПОЙТАХТИМ

...Азим Тошкент менинг назаримда, ҳамиша тинчлик, дўстлик, бирдамлик, меҳр-оқибат шаҳри бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

2-бет >>

• ЗЎРАВОНЛИКНИ ТЎХТАТМОҚЧИ

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида кейинги ҳафта Исроил, Фаластин Мухтористони ва минтақада жойлашган бошқа давлатларга ташриф буюришини маълум қилди...

3-бет >>

❖ Божхона бекати

• ВАЛЮТА+ 5 ТА ПАСПОРТ

АЙЛАНМА ЙЎЛЛАРДАГИ «КАМАЗ»ЛАР



4-бет >>

✓ ТОШКЕНТ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

БУЮК ПОЙТАХТИМ



Тақдир ҳукми билан 1932 йилнинг 20 февралида Тошкентнинг Сомонбозор (ҳозирги Минор) маҳалласида дунёга келдим. Мана шу табаррук тупроқда туғилганимдан, шу ерда бир умр яшаётганлигимдан Аллоҳга шукроналар айтаман. Мен таваллуд топган оилада адабиёт ва санъат ҳар доим қадрланган. Отам Ғанижон Турсунов, онам Сорахон Сиддиқхожи қизи Навоий, Машраб, Фузулий ижодини яхши билишарди.

Азим Тошкент менинг назаримда, ҳамиша тинчлик, дўстлик, бирдамлик, меҳр-оқибат шаҳри бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Тошкентнинг яқин ўтмишдаги тарихи кўз олдимда жонланганда, бутун вужудимни ҳис-ҳаяжон қамраб олади. Шахсан мен бу қадим шаҳар ўз ўтмиши давомида анча-мунча қора кунларни ўтказганига гувоҳ бўлганман. Масалан, 1937 йилги қатағонлар ҳам Тошкент қалбида битмас жароҳатлар қолдирди. Отам халқ душмани тамғаси остида 10 йилга қамалди. Ўша пайтда 5 ёшли қизча бўлсам-да, менинг хотирамда ҳам мудҳиш кунларнинг излари қолган. Репрессия азобларидан қутилиб-қутулмай иккинчи Жаҳон уруши бошланди. Ўшанда Тошкент қанчадан-қанча оилаларни, болаларни ўз бағрига олди. Едирди, ичирди, кийдирди, меҳр кўрсатди. Урушдан кейин яна қатағонлар оқими бошланди. Кейин зилзила... Бугун ўша оғир кунлар Тошкентдаги ҳеч бир оилани четлаб ўтмаганини афсус-надомат билан эслайман.

Мактабга жуда эрта қатнай бошлаганман, 7-синфгача ўқиб, 1947 йилда, яъни 15 ёшимда ҳозирги ЎзМУнинг шарқшунослик факультетига ўқишга кириб, йигирма ёшимда имтиёзли диплом билан тамомладим. Шундан сўнг таҳсилни Санкт-Петербург давлат университети аспирантурасида давом эттирдим. 1956 йилда Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари таҳлилига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

Ўша вақтда маълум бир давр Тошкентдан узоқда яшашимга тўғри келди. Ишонасизми, бу ёруғ дунёда ҳамма нарсадан айро тушиш мумкин экан, лекин Ватандан айро тушиб бўлмас экан. Ўшанда она-Тошкентимни жуда-жуда соғиндим. Унинг ҳар бир ғишти муқаддас эканлигига имон келтирдим. Ҳа, буюклар бекорга айтмаган: **«Ватаннинг тутуни ҳам кўзга тўтиё»** деб. Фан номзоди бўлгач, Тошкентга қанот чиқариб учдим.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида 52 йил ишладим. Бугунги кунда ҳам Тошкент давлат шарқшунослик институтида дарс бермоқдаман. Ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, Алишер Навоий ижодига бағишланган 20 дан ортиқ китоб ва рисола, 300 дан зиёд илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ёздим. Тўғрисини айтганда, бир умр Тошкент билан ҳамнафас ҳаёт кечираяпман. Юқорида санаб ўтган асарларимнинг барчаси Тошкентда яратилди. Балким мана шу улуғвор шаҳарда туғилмаганимда, шу қадим юртда яшамаганимда шунча эъзоз ва эътиборга сазовор бўлмаслигим ҳам мумкин эди.

77 йиллик ҳаётим давомида ўнга яқин чет мамлакатларда хизмат сафарида бўлдим. Халқаро анжуманларда қилган маърузаларим дунё илм аҳли томонидан илиқ кутиб олинди. Лекин ҳамма вақт кўз ўнгимдан Тошкент жамоли кетгани йўқ. Улкан дарахтни унинг томирлари ерга боғлаб турганидек, ҳар бир инсоннинг қалбида Ватан яшар экан. Шундан бўлса керак Алишер Навоий:

«Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама», деган эдилар.

Бир гал Теҳрон шаҳридаги «Ҳоқи Гулистон» номли музей фондидан Алишер Навоийнинг табаррук дастхатларини топганимда, уни олиб, Тошкентга қанчалар интилганимни сўз билан ифодалай олмайман.

Мен Тошкентда оила қурдим. Уч нафар фарзанд кўрдим, набираларимни, эвараларимни бағримга босдим. Камтарона меҳнатларим учун бир неча марта тақдирландим. Давлат мукофотларига сазовор бўлдим.

Кўз ўнгимда Тошкент қиёфаси йил сайин эмас, кун сайин ўзгариб бормоқда. Бир пайтлар мен туғилган, болалигим ўтган Тошкент билан бугунги шаҳарни умуман солиштириб бўлмайди. Мустақиллик Тошкенти том маънодаги мамлакатимиз пойтахти сифатида бутун дунё кўз ўнгида қайтадан намоён этди. Авваллари бир-бирига ўхшаш бинолардан иборат тор, кўримсиз кўчалари бор Тошкент истиқлол йилларида нафақат Шарқнинг, балки бутун дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Шахсан Президентимизнинг бош меъморлиги остида ўхшаши йўқ янги, замонавий, миллий меъморчилигимиз анъаналарини ўзида мужассам этган бутун бошли шаҳар қад ростлади. Тошкент дунё нигоҳидаги озод ва обод манзилга айланди. Бу ерни бир марта кўрганлар яна кўрмоқ илинжида яшайдилар. Бугун ўзининг 2200 ёшини қарши олаётган она-Тошкентим олдида бир умр қарздор эканлигимни ҳис этиб яшайман. Минг афсуски, Мақсуд Шайхзода сингари Тошкентни мадҳ этиш имконияти, истеъдоди менда йўқ.

Мени эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишимга, кўксимни «Буюк хизматлари учун» ордени безаб туришида жонажон Тошкентимнинг беқиёс ўрни бор. Шунинг учун ҳам ҳаётимни Тошкентсиз тасаввур қила олмайман.

Суйима ҒАНИЕВА

❖ ЎзХДП кўчма Жамоатчилик қабулхоналарида

МЕНИ ИШОНЧ БОШЛАБ КЕЛДИ

— дейди Учкўприкдаги саноат коллежи ўқитувчиси Муроджон БЕКМИРЗАЕВ

Ўзбекистон ХДП Учкўприк туман кенгаши Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган йили 180 марта мурожаат бўлди. Кенгаш раиси Илҳомжон Каримовнинг айтишича, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Жумладан, бешта маҳаллага сув чиқариш, кам таъминланган оилалар фарзанди бўлган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш, ободончилик ишларини кучайтириш, янги боғлар яратиш каби ишлар ўз ечимини топди. Умуман, ушбу тузилма фаолияти Президентимизнинг ижтимоий йўналтирилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Ҳудудимиз анча катта. Марказдан узоқ ўнлаб қишлоқлар бор. Шунинг учун биз туман партия кенгашининг кўчма Жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этдик, — дейди Илҳомжон Каримов. — Мақсадимиз одамлар орасига чуқурроқ кириб бориш, электоратимизни ташвишга солаётган муаммоларни яқиндан ўрганиш, уларнинг ечимини топиб, партия тарафдорларини янада кўпайтиришдир.

Шундай бўлаяпти ҳам. Баҳрин маҳалла фуқаролар йиғини идорасида ЎзХДПдан туман Кенгаши депутати Сабохон Сиддиқова кўчма Жамоатчилик қабулхонасини очган. Бу ерга келганларни қайд этиш дафтари билан танишамиз. Фуқаро А.Асқаров қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш масаласида мурожаат қилган. Жамоатчилик қабулхонаси томонидан мутасаддиларга масаланинг моҳияти тушунтирилгандан сўнг 700 метр қувур тортилиб, бир неча кўчалардаги хонадонларга тоза ичимлик суви етказилган. Фуқаро А.Йўлдошев қишлоқда хусусий дорихона қуриш учун ер ажратишга ёрдам сўраб мурожаат қилган. Унга қурилиши тугалланиб, пардозлаш ишлари қолган бино ажратилишига кўмак берилган. Куни кеча кўчма қабулхонага тушган мурожаат асосида 43-мактабга борадиган йўл кенгайтирилиб, шағал ётқизилди. Ушбу масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига қўйилиб, йўлни асфальт қилиш ишлари 2009 йил дастурига киритилди...

Сабохон Сиддиқова шу каби кўплаб масалаларни ҳал этиш учун туман, вилоят идоралари, мутасаддиларига мурожаат қилди. Сўров ва талабномалар киритди. Унинг ҳаракатлари бесамар қолмади. Масалалар биринкетин ечим топиши билан бирга, ЎзХДПнинг Жамоатчилик қабулхонаси деб аталмиш тузилма ҳақида тобора кўпроқ биладиган бўлишди.

Учкўприкдаги саноат касб-ҳунар коллежида ЎзХДП туман кенгашининг кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилаётгани ҳақида бир неча кун аввал маҳаллалар, идора ва ташкилотлар, аҳоли гавжум жойларга эълонлар осиб чиқилди. Ўша куни ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов бошчилигида партия фаоллари, партиямиздан сайланган депутатлар мурожаатларни қабул қилдилар.

— Деҳқонов номли МТП жойлашган ҳудудда ҳамон ичимлик суви муаммоси мавжуд. Биз ЎзХДП туман кенгаши аралашуви билан бир неча маҳаллаларга сув қувурлари тортилаётганидан хабар топдик, — дейди шу ҳудудда яшовчи Матлубахон Тожалиева. — Маҳалла аёллари номидан илтимос билан келгандим.

— Чанг, Султонобод каби қишлоқлардан коллежимизга қатнаб ўқийдиган кам таъминланган оилалар фарзандлари бор. Улар ётоқхонада қолмасликларининг сабаби ота ёки оналари ёлғиз. Бу йўналишларда автобуслар қатнамайди. Жамоат транспорти фаолиятини йўлга қўйиш зарурати бор. Шу масалада ёрдам бера оласизларми? — дейди Робахон Усмонова.

— Мен шу коллежда ўқитувчиман, — дейди Муроджон Бекмирзаев. — Автомобиль ҳайдовчиси тайёрлайдиган 12 та гуруҳ бор. Коллежни тугатадиган 360 та болага ҳайдовчилик гувоҳномаси берилиши керак. Лекин минг афсуски, ўқувчилар амалий машғулот ўтказиш — автотраспорт ҳайдашни ўрганиши учун машинанинг ўзи йўқ. Ахир ҳайдашни билмаган одамга қандай қилиб гувоҳнома бериш мумкин? Мен Халқ демократик партиясига ишонаман. Шу ишонч мени кўчма Жамоатчилик қабулхонасига бошлаб келди...

Шу куни ўттиздан зиёд масалада мурожаатлар бўлди. Партия фаоллари ҳар бир таклиф, сўровни диққат билан тингладилар. Сўнгра уларни муҳокама қилиб, ҳар бир сўровни ҳал этишнинг аниқ режаси, бунга масъул кишилар белгиланди. Айни чоғда уларнинг ечими устида фаол иш олиб борилмоқда.

Жамоатчилик қабулхонасининг бундай иш услуби жойларда партия обрўсини ошириш, унинг тарафдорларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ ЎзХДП ҳаёти

ЎҚУВЛАР САМАРАСИНИ ОШИРИШ

тарғибот ишларини кучайтиришга хизмат қилади

ЎзХДП Навоий вилоят ва шаҳар кенгашлари ташаббуси билан «Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар таъсирчанлигини оширишда маҳаллий ва бошланғич ташкилотларнинг ўрни» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, туман, шаҳар кенгашлари раислари, фаоллар, депутатлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Семинар амалий мулоқот ва баҳс-мунозара тарзида ўтди.

Мавзу юзасидан сўзга чиққан Навоий шаҳар партия кенгаши раиси Лолагул Собирова сиёсий ўқувлар таъсирчанлигини ошириш, бу ўринда наинки бошланғич ташкилотлар кучидан самарали фойдаланиш, балки қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, семинарда партиянинг электорат, жамоатчилик орасидаги обрўйини янада ошириш, семинар ва сиёсий ўқувларни замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда, интер фаол усулларда олиб бориш, минтақавий, олис ўтов ва овулларни ҳам қамраб олишини таъминлаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида партия сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕНДЕРДА ҒОЛИБ

Учқўрғон туманидаги «Сардор» кўп тармоқли хусусий фирмаси бунёдкорлари касб-ҳунар коллежлари ва мактабларни барпо этиш, уларни таъмирлаш бўйича ўзига хос тажрибага эга. Улар яқинда бўлиб ўтган тендер танловида яна муваффақиятга эришиб, Учқўрғон тумани, Қўғайўлмас қишлоғида маиший хизмат кўрсатиш ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи қурилишини бошлаб юборишди. 625 ўринли бу илм маскани Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Мазкур объект қурилишига 2 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

(Ўз мухбиримиз)

❖ Болалар спорти

ЁШЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

Наманган вилоятида болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Янги йил тантаналари давом этаётган айни кунларда Учқўрғон иқтисодиёт коллежида замонавий сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Мажмуа очилиш маросимида мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, юртимиз ёшларининг спорт соҳасида эришаётган ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Бу масканда туманнинг барча қишлоқларида истиқомат қилаётган болалар ва ўсмирлар йилнинг тўрт фаслида сув спорти билан шуғулланиб, чиниқиши учун барча имкониятлар яратилган.

Спорт мажмуининг кийиниш, муолажа ва дам олиш хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МАСКАНИ



Қорақалпоғистон. Тахиатош энергетика касб-ҳунар коллежида айни пайтда 870 нафар талаба ўнга яқин йўналишлар бўйича билим олмоқда.

Коллежда талабаларнинг касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув хоналари замонавий жиҳозлар, техник қурилма ва асбоб-ускуналар билан таъмирланган. Шунингдек, 2 та спорт зали, 120 ўринга мўлжалланган ошхона ва ётоқхона ҳам талабалар ихтиёрида.

Суратда: *кимё фани ўқитувчиси Нилуфар Нуримбетова дарс пайтида.*

А.КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Эълон

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда мактаблар ёнида қуриладиган болалар спорти объектлари бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №1:

Лот №1-1. Навоий шаҳар футбол-интернат мактаби спортзали 12х24 м.

Лот №1-2. Қизилтепа туманидаги 35-сонли мактаб ёнидаги спортзали 12х24 м.

Лот №1-3. Навбаҳор туманидаги 2-сонли мактаб ёнидаги спортзали 12х24 м.

ЛОТ №2:

Лот №2-1. Хатирчи туманидаги 74-сонли мактаб ёнидаги спортзали 9х18 м.

Лот №2-2. Қизилтепа туманидаги 30-сонли мактаб ёнидаги спортзали 9х18 м.

Лот №2-3. Нурота туманидаги 14-сонли мактаб ёнидаги спортзали 9х18 м.

Лот №2-4. Конимех туманидаги 38-сонли мактаб ёнидаги спортзали 9х18 м.

Ишларнинг тугалланиш муддати: 1 июль 2009 йил.

Буюртмачи: Навоий вилояти ҳокимлиги «Капитал қурилиш» инжиниринг компанияси.

Манзили: Навоий шаҳар, Навоий кўчаси, 63-уй.

Лойиҳани молиялаштириш: Болалар спортини ривожлантириш Республика фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва қўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича:

Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй.

Тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати— 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Иқтисодиёт

БАРҚАРОР ИШЛОВЧИ КОРХОНА

унга сифат менежмент тизими керакми?

Бугунги кунда маҳсулотнинг бозордаги рақобатбардошлигини белгиловчи мезонлар кўп. Дунё ривожининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар сифати билан мавқе топиш мумкин. Бунда интизом, фидойи меҳнат, маҳсулот сифати, бошқариш кафолати ва атроф-муҳит тозалиги муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, ҳукуматимиз 2004-2008 йиллар давомида қатор қарорлар қабул қилди. Корхона ва ташкилотлар халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий қилмоқда. Масалан, республикамизда 150 дан ортиқ корхона ва ташкилотда ИСО 9001:2000 «Сифат менежмент» тизими жорий этилган, Халқаро стандарт Сифат менежменти тизимлари сертификатлаштирилган.

Ушбу стандарт корхона ва ташкилотлардаги фақат ишлаб чиқариш жараёнларини эмас, балки уларнинг ўзаро боғлиқлигини ёхуд қисқа муддатли вазиятни эмас, балки юз бераётган ўзгаришлар изчиллигини таъминлашга қаратилган. ИСО 9000 сериясидаги стандартлар бу йўналиш асоси — умумий тамойиллар мажмуаси ёритиб боради. Тамойиллар эса қуйидагича:

Истеъмолчига йўналганлик

Ташкилотлар ўз истеъмолчиларига тобе бўлади ва шунинг учун уларнинг жорий ва келгуси эҳтиёжларини тушуниши, талабларини бажариши ва кутганидан ҳам ортиқ яхши натижага эришишга интилиши керак.

Раҳбарларнинг пешқадамлиги

Раҳбарлар ташкилотнинг мақсад ва фаолияти йўналиши ягоналигини таъминлайди. Улар ташкилот олдига қўйилган вазифаларни бажаришга ходимларни фаол жалб этиш мумкин бўлган соғлом ички муҳитни яратиши ва мўътадил сақлаши лозим. Ҳар бир ходим сифатни таъминлашда фаолияти муҳим эканини чуқур англаши лозим.

Жараёнли ёндашиш

Сифат менежмент тизимининг базавий модели ташкилот керакли маҳсулот ва хизматларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва етказиш жараёнини аниқ белгилайди.

Бошқаришга тизимли ёндашиш

Ташкилот ўз мақсадига эришишда ўзаро боғлиқ жараёнларни аниқлаб олиши, унумли бошқаришга эришиши — корхона самарадорлигини таъминлайди. Унинг юқори ташкилий-техникавий даражасига ҳисса қўшади.

Доимий такомил

Ташкилот фаолиятини изчил яхшилаб боришга асосий мақсад деб қараш лозим. Ташкилот Сифат менежмент тизими фаолияти орқали буюртмачини келажакдаги эҳтиёжини ўрганиб, уни ўз вақтида қаноатлантириб боришни ва жорий қилинган жараёнда энг яхши натижага эришишни мақсад деб билади.

Фактларга асосланган қарорларни қабул қилиш

Сифат менежмент тизими фаолиятига тааллуқли қарорларни қабул қилишда фактлар ва маълумотларга таянилади. Аудитлар, тўғриловчи амаллар, жараёнлар фаолияти, буюртмачилар шикоятларининг таҳлили маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Таҳлилда қаноатланганлик даражаси ва Сифат менежмент тизимининг самарадорлигини ошириш учун қўлланилиши мумкин бўлган маълумотларга алоҳида эътибор берилади.

Етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли муносабатлар

Ташкилотлар ва уларнинг етказиб берувчилар ўзаро боғлиқ бўлиб, манфаатли муносабат ҳар икки томоннинг моддий бойлик яратиш имкониятини оширади.

Корхона ва ташкилотларнинг Сифат менежмент тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи услуб ва усуллар истеъмолчи ва етказувчи ташкилот билан «қайта алоқа» концепциясига бўйсунган. «Қайта алоқа» концепцияси кўпинча нотўғри талқин қилинади. Буни «Бажарилган иш натижаси ҳақида менга хабар беринг» ёки «Мен бажарган иш сизни қониқтирадими?» деган саволларни қўйиб, кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда ижобий қайта алоқа сифатида яхши хабарлар, салбий қайта алоқа сифатида ёмон хабарлар кўзда тутилади. Аммо, Сифат менежмент тизимида қайта алоқа анча кенг концепция бўлиб, Сифат менежмент тизимига доимий ривожда ўзгартиш киритиб боришни тақозо қилади.

ИСО 9001:2000 стандарти корхоналарнинг юқори бошқарувига, шу жумладан, жавобгарлик ва ваколатларни тақсимланишига жуда катта аҳамият берилади. Жавобгарлик ва ваколатларнинг тўғри тақсимланиши ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларни тез ва тўғри ечим топишига олиб келади. Натижада, корхона учун муҳим бўлган қарор қабул қилишда нафақат раҳбарият, балки барча мутахассислар фикри инобатга олинади. Бу эса мутахассисларни доимий равишда ўз устида ишлашга, малакасини ошириб боришга ундайди. Янги лавозимга муносиб кўрилиши эса уларни янада рағбатлантиради. Шу нуқтаи назардан, ИСО 9001:2000 стандарти бўйича Сифат менежмент тизимини жорий қилиш — корхонада ишчан муҳит қарор топишини таъминлайди.

Бундан ташқари, сифат менежмент тизимини жорий қилиш корхонада бошқарув малакаси, ишлаб чиқариш маданияти, технологик интизомни яхшилайди; ресурслардан унумли фойдаланишни таъминлайди; корхона фаолиятини такомиллаштириб, маҳсулот сифатининг яхшиланишига олиб келади; иқтисодий кўрсаткичлар кўтарилади; соғлом иш муҳити шаклланади; мутахассислар якдиллиги ва изланувчанлигини таъминлайди.

Шариф ШОДМОНОВ

ИШЧИЛАР 13 ФОИЗ ҚИСҚАРАДИ

АҚШнинг йирик алюминий ишлаб чиқарувчи Alcoa компанияси 2009 йил охиригача 13,5 минг нафар ходимини ишдан бўшатмоқчи, деб хабар қилади AFP. Бу умумий ишчиларнинг 13 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, шартнома асосида фаолият кўрсатаётган 1700 нафар ходим хизматидан ҳам воз кечилади. Бунга дунё бозорида алюминийга бўлган талабнинг кескин камайиши сабаб бўлган. Натижада жорий йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 18 фоизга қисқаради. Шунингдек, Alcoa раҳбарияти молиявий инқироз туфайли ўзига қарашли тўртта компанияни ҳам сотмоқчи.

2008 йил якунига кўра, Alcoa алюминий ишлаб чиқарувчи корхоналар ичида дунёда учинчи ўринни эгаллаган.



ЗИЛЗИЛА

Чоршанба куни эрталаб Индонезиянинг Жанубий Папуа музофотида кучли ер силкиниши рўй берди, деб хабар қилади Рейтер. Зилзила 6,1 баллга тенг бўлган. Офат натижасида ҳаётдан кўз юмганлар ва кўрилган талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

3-4 январь кунлари Жанубий Папуада юз берган 7,5 балли ер силкиниши оқибатида бир неча минг аҳоли турар жойини тарк этган эди. Зилзила туфайли бир киши ҳалок бўлиб, ўнлаб фуқаролар жароҳатланган.



ЗЎРАВОНЛИКНИ ТЎХТАТМОҚЧИ

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида кейинги ҳафта Исроил, Фаластин Мухторияти ва минтақада жойлашган бошқа давлатларга ташриф буюришини маълум қилди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, бундан кўзланган асосий мақсад Яқин Шарқда юз бераётган зўравонликни тўхтатишдир. Шунингдек, Бош котиб ҳар икки томонни зудлик билан отишмаларни бас қилишга чақирди. Сўнгги маълумотларга кўра, Ғазо минтақасида Исроил содир этган бомбардимон оқибатида 660 нафар фаластинлик ҳалок бўлган, уч минг нафардан ортиқ киши жароҳатланган. Улардан 215 нафари болалар, 89 нафари аёллардир.

Шу билан бирга, Ливия БМТ Хавфсизлик Кенгашига минтақада қонли тўқнашувни тўхтатиш юзасидан резолюция лойиҳасини тақдим этди. Ливия Ташқи ишлар вазирининг таъкидлашича, қатор араб мамлакатлари томонидан маъқулланган ушбу ҳужжат 8 январь куни Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйилиши кутилмоқда. Айтиш керакки, резолюция Франция, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумат вакиллари иштирокида муҳокама қилинган. Ҳужжатда Ғазо минтақасидаги барча ҳарбий ҳаракатлар, Исроил уюштираётган ракета ҳужумлари зудлик билан тўхтатилиши талаб қилинган.

ИНҚИРОЗ ТУФАЙЛИ

Европанинг энг бой кишиларидан бири, германиялик миллиардер Адольф Меркль ўз жонига қасд қилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Марҳумнинг оила аъзолари айтишича, 74 ёшли сармоядор ўлимига молиявий инқироз сабаб бўлган. Ульм шаҳри прокуратураси вакилларининг маълум қилишича, бизнесмен ўзини поезд остига ташлаган.

Адольфнинг ҳамкасблари айтишича у қимматли қоғозлар билан амалга оширган операциялари натижасида бир неча юз миллион Евро зарар кўрган. Бунга молиявий инқироз туфайли акциялар нархининг тушиб кетиши сабаб бўлган. Биргина «Фольксваген» концерни акциялари сармоядорга 400 миллион Евро зарар келтирган.

ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Германия ҳукумати мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш мақсадида янги дастур қабул қилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маълумотларга қараганда, мазкур режага мувофиқ автомобиль ва темир йўллари қурилиши ҳамда таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш учун қарийб ўттиз миллиард евро миқдорида маблағ ажратиш режалаштирилган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундай лойиҳаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад глобал молиявий инқироз даврида мамлакат саноатини қўллаб-қувватлашдан иборат.

ЯНГИ ҚУРИЛМА



Америкалик олимлар ҳаракатланаётган автомобилни лазер ёрдамида тўхтатувчи янги қурилма яратди. «Pursuit Management System» деб номланган ушбу қурилма орқали узоқ масофада ҳаракатланаётган машина кузовига «Жи-пи-эс» тизими ўрнатилган маёқча ёпиштирилади. Маёқча автомобиль қайси йўналишда ҳаракатланаётганини аниқлаш ва уни тўхтатиш имконини беради.

Йўл-патруль хизмати ходимларининг сўзларига кўра, янги қурилма автомобиль ҳалокатларининг олдини олишда жуда қўл келади. 2008 йилда мамлакатда ана шундай бахтсиз ҳодисалар оқибатида тўрт юз йигирмадан зиёд киши ҳалок бўлган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Янгийўл туман кенгаши депутатлар гуруҳи раҳбари Абдуғани Юсуповга онаси

САВРИХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«ПОЙТАХТ АУКЦИОН»

давлат унитар корхонаси ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилиши давом эттирилаётганлигини маълум қилади:

Т/р	Объект номи	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси	Балансда ушлаб турувчи корхона номи	Объект манзили
1	«ГАЗ-53» автоцистерна	10АТ 902	2 300 000	«Тошкентвино комбинати» ОАЖ	Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси 45-уй
2	«ГАЗ-2401»	10 ВВ 723	750 000	Миллий Ахборот агентлиги	Ҳамза тумани, Мусахонов кўчаси, 38-уй
3	«РАФ-2203»	10 АО 769	4 500 000	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Ҳамза тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 66-уй
4	«Пежо Карсан»	10 AD 625	12 500 000	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти	Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй
5	«Тойота-Хайэс»	10 AI 958	19 800 000	Davlat Patent idorasi	Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 2-а уй
6	«ГАЗ-310200»	10 AY 743	7 500 000	Davlat Patent idorasi	Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 2-а уй
7	«РАФ-2203-01»	10AG 956	2 000 000	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт санитария бирлашмасининг марказлашган автобазаси	Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли, 417-уй
8	«РАФ-2203-01»	10AG 959	2 200 000	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт санитария бирлашмасининг марказлашган автобазаси	Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли, 417-уй
9	«КАВЗ-685М»	10АХ 022	4 650 000	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт санитария бирлашмасининг марказлашган автобазаси	Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли, 417-уй
10	«ГАЗ-53»	10ВС 927	6 000 000	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси	Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 54-уй
11	«ГАЗ-310290»	10ВС 375	3 500 000	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси	Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 54-уй
12	«ГАЗ-31029»	10 AF 235	4 200 000	O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi X.Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazi	Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 29-уй
13	«КамАЗ-53212»	10 AQ265	40 000 000	Toshkent -To'ytepa-Tekstil mas'uliyati cheklangan jamiyati	Тошкент шаҳар, Туроб Тўла кўчаси, 2-уй
14	«Эсперо»	10АР 051	9 000 000	Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси	Тошкент шаҳар, Фарҳод кўчаси, 6-А уй
15	«Мидибус М-29»	10AD 718	31 000 000	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бинолари мажмуасидан фойдаланиш дирекцияси	Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй
16	«КАВЗ-664»	10AW 430	3 500 000	«OZIQ-OVQAT MOLLARI»ОАЖ Respublika ixtisoslashtirilgan Ulgurji Baza Kontorasi	Тошкент шаҳар, Миробод тумани,Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй
17	«ГАЗ-31029»	10AF 531	3 500 000	«O'zme'morqurilishloyiha» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-уй
18	«ГАЗ-31029»	10АР 993	3 200 000	Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti	Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй
19	«ГАЗ-24»	10 ВВ 723	1 200 000	O'zbekiston Respublikasi Milliy Axborot Agentligi	Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
20	«ДЭУ-Супер Салон»	10ВС 644	11 200 000	O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi	Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй
21	«ПАЗ-320510»	10 АТ 502	12 700 000	«Ўзбекистон» Нашриёт матбаа ижодий уйи	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй
22	«ГАЗ-32210»	10 АА 251	10 700 000	«Ўзбекистон» Нашриёт матбаа ижодий уйи	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй
23	«ГАЗ-3110»	10 AL 088	5 500 000	«Ўзбекистон» Нашриёт матбаа ижодий уйи	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй
24	Е-1500 русумли 100 та цистерна		Ҳар бирининг бошланғич нархи 541320	«Ўзбекистон шампани» ОАЖ	Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уй

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 233-23-49, 233-23-40

Эълон

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан пудрат танлов савдолари эълон қилади:

№	Объектлар номи	Бошланғич нархи 20% ҚҚС билан (минг сўм)	Қурилиш муддати
Лот № 1.	Мирзаобод тумани Улуғбек ш/х да 15-сонли мактаб учун 9х18 ўлчамли спортзал қурилиши, қўшимча бинолари билан.	140508,202	105 кун
Лот № 2.	Сирдарё тумани Сирдарё шаҳридаги 3-сонли мактаб учун 12х24 ўлчамли спортзал қурилиши, қўшимча бинолари билан	185336,706	120 кун
Лот № 3.	Сирдарё тумани Ўзбекистон ш/х да 28-сонли мактаб учун 9х18 ўлчамли спортзал қурилиши, қўшимча бинолари билан	145324,723	105 кун
Лот № 4.	Сардоба тумани Бахмал ш/х да 9-сонли мактаб учун 9х18 ўлчамли спортзал қурилиши, қўшимча бинолари билан	144999,442	105 кун
Лот № 5.	Оқолтин тумани «У.Носир» ф/х да 11-сонли мактаб учун 12х24 ўлчамли спортзал қурилиши, қўшимча бинолари билан	184954,936	120 кун
Лот № 6.	Ғулистон шаҳридаги 14-сонли мактабнинг 12х24 ўлчамли спортзалини капитал реконструкция қилиш	71456,413	90 кун
Лот № 7.	Боёвут туманидаги III-тип 10-сонли мусиқа мактабини реконструкция қилиш	436843,778	180 кун
Лот № 8.	Ғулистон шаҳрида А.Навоий кўчасидаги сузиш ҳавзасини реконструкция қилиш	142108,145	160 кун
Лот № 9.	Ғулистон шаҳридаги 10-сонли мактаб учун 12х24 ўлчамли спортзал қурилиши	186096,192	120 кун

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Ғулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уй, **тел:** 8 (3672) 27-63-86.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки шу миқдорда кредит банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари мавжудлиги, шартномалар тузишга ҳуқуқий лаёқат, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ғулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Телефон: (8-3672) 27-64-84, факс: (8-3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Кўргазма

Ҳунармандлар шаҳри — Марғилонда ҳозир ҳам шоҳи ипакдан санъат даражасидаги матолар яратилмоқда. Усталар анъаналарни давом эттирган ҳолда атлас, адрас, ҳарир каби матоларга табиий бўёқлар бериб, уларга ноёб нақшларни жо этишмоқда. Шаҳардаги «Шоҳбегим» либослар дизайн устахонаси шу матолардан аёлларимиз кўрки, нафосати, дидига мос либослар намунасини яратди. Уларнинг дизайнида мато нафислиги, шарқона жилвасига алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда худди шу либосларнинг намойиши бўлиб ўтди.

— Биз кўргазмага қўйилган либосларга замонавийлик билан миллийликни сингдиришга ҳаракат қилдик, — дейди ташкилотчилардан бири, ЎзХДП аъзоси М.Маматхонова. — Ҳунарманд Шоҳидахон Нуриддинова яратган либослар айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Иштирокчилар миллий либослар кўргазмасини мунтазам ўтказишга қарор қилдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: *Кўргазмадан лавҳа.*

А.РАҲМОНОВ олган сурат

❖ Хотира

ФУРҚАТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Қалби тоза одамлар ҳамиша ўзгаларга яхшилик соғиниб яшайди. Табаррук ёшдаги онахоннинг сўнгги мактуби шундай эзгуликка йўғрилган эди. У паймонаси тўлгунча бировларга фойдаси тегишини истади. Сиз ҳам мактубни ўқиб чиққач, бунга амин бўласиз. Лекин минг афсуски, ўзининг сўнгги қайдларини газета саҳифаларида кўриш Робия Қосимовага насиб этмади.

«Мен 1929 йилда Наманган вилояти, Уйчи тумани, Равот қишлоғида туғилганман. Онам ўқимишли аёл бўлгани учун мактаб мудири эди, дадам эса андижонлик савдогарларга қўшилиб, Қашқар шаҳрига бориб, тижорат ишлари билан шуғулланарди. 1933 йилда оиламиз давр тақозоси билан Қашқарга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Янги жойда онам уйғур хотин-қизлари учун мактаб очди, кейин вилоят маориф бўлимида ишлади. Дадам савдо соҳасидаги ишларини давом эттирди. Ўзим ўсмирлик давримдан бошланғич синф ўқувчиларига дарс бердим.

Узоқ юртда вазият ўзгаргани учун мени ёш бўлишимга қарамасдан таниқли банкир Тошохунимнинг олтинчи ўғли Абдулҳақ Азизийга турмушга беришди. Оиламизда беш фарзанд дунёга келди. Урумчи шаҳрига кўчиб ўтдик. Турмуш ўртоғим молия вазирлигида, мен «Шинжон олға» таҳририятида, кейинроқ аёллар уюшмасида ишладим. Бизнинг ҳаётимиз фаровон ўтаётган бўлса-да, мен она юртимиз — Ўзбекистонни соғиниб яшадим.

1955 йилда бизга Ўзбекистонга қайтишга рухсат берилди. Мен қувонганимдан тўртта фарзандимни олиб Қашқарга, ота-онам ёнига келдим ва қариндош-уруғлар билан бирга ликда жонажон Ўзбекистонимизга қайтдик. (Катта ўғлим Фирдавсни дадасининг илтимосига кўра, бир йилга қолдирдим. Лекин тақдир экан, ўғлим билан 32 йилдан кейин учрашдик. Ҳозир у Шинжондаги «Тян Шян» киностудиясида актёр, режиссёр, сценарийчи бўлиб ишлайди). Туғилган қишлоғимизда аввал болалар боғчасида тарбиячилик, кейин кутубхоначилик қилдим.

1957 йилда болаларимни ўқитиш мақсадида Тошкентга кўчиб келдим. Ўшандан буён Тошкентдамиз. Дастлаб уйғур ва хитой тилларини билганим учун «Правда» газетаси қошидаги уйғур редакциясида, кейин овоз ёзиш студиясида ишладим. Ўзбекистон Фанлар академиясининг қўлёзмалар институтига ишга ўтгач, ҳамкасбларим маслаҳатига биноан ўғлим Фирдавсга хат ёзиб, халқимизнинг севимли шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг Ёркентдаги 16 йиллик ҳаёти ва ижоди, оила аъзолари тўғрисида маълумот тўплаб юборишини сўрадим. Ўғлим хат орқали Фурқатнинг Ёркентда ёзган шеърларини, унга боғлиқ маълумот ва фотосуратларни жўнатди. Ёзувлар араб имлосида бўлгани учун табдил қилдим. Шу тариқа институтимизда Фурқат архиви пайдо бўлди. Кейинроқ ўғлим ўзининг «Фурқат Ёркентда» киносценарийсини тақдим этди. Мен шу маълумотларнинг айримларидан фойдаланиб, 1987 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 8-сонида «Фурқат Ёркентда» деб номланган мақоламни чоп эттирдим.

Лекин ўша архивда Фурқатнинг Ёркентдаги ҳаётига оид бошқа қимматли маълумотлар ва фотосуратлар бор. Қанийди, улардан фурқатшунослар фойдаланишса. Бу ёш авлоднинг Фурқат ҳақидаги билимларини янада бойитар эди.

Робия ҚОСИМОВА»

❖ Тадбир

ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Термизда улуғ шоир Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг 1150 йиллик юбилейига бағишланган илмий-адабий анжуман ўтказилди. Унда Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари, шунингдек, вилоятдаги миллий-маданият марказлари вакиллари қатнашишди.

— Улуғ шоир ўша замонлардаёқ дўстликни баралла куйлаган, — деди мехнат фахрийси Ҳ.Шарафуддинов. — Унинг қуйидаги мисралари асрлар оша тилдан-тилга ўтиб келмоқда:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

— Шу қутлуғ заминда аҳил-иноқ бўлиб яшаш — катта саодат, — деди ЎзХДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси, вилоят тожик миллий-маданият маркази раҳбари А.Боипов. — Бу эзгу фикрни, айниқса, ёшлар қалбига жо қилиш, онгига сингдириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Улуғ шоир юбилейи муносабати билан дийдор кўришган дўст-биродарлар бир-бирларини Янги йил билан қутлашди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧЛАРИ

Мустақиллик йилларида Бойсундаги 12-сон Меҳрибонлик уйи қайта таъмирланди. Тарбияланувчиларнинг соғлом улғайиши ва билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Бу ерда бошқа байрамлардагидай Янги йил тантаналарига алоҳида ҳозирлик кўрилди. Чиройли безатилган арча атрофида тўпланган болаларнинг шеър, қўшиқ, шўх-шодон қулгулари янгради. Айниқса, байрам давомида Меҳрибонлик уйининг барча тарбияланувчиларига Президент совғаларининг топширилиши уларга унутилмас қувончли лаҳзаларни бағишлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Inter-sport

КЛИЧКОНИНГ РАҚИБИ КИМ БЎЛАДИ?



Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC) таснифи бўйича оғир вазндаги жаҳон чемпиони, украиналик Виталий Кличконинг навбатдаги рақиби кубалик Хуан Карлос Гомес бўлиши керак. Улар ўртасидаги чемпионлик учун кечадиган жанг шу йил 21 март куни Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилиши лозим. Лекин томонлар бу борада 9 январь кунигача келишувга эришмаса, WBC расмийлари ушбу чемпионлик жангини ташкил қилиш учун аукцион ўтказилишини билдиришди. Виталий Кличко эса чемпионлик учун жангда Гомес билан эмас, россиялик Николай Валуев ёки британиялик Дэвид Хэем билан учрашишни истаяпти.

КАТТА ТЕННИС МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Ҳар йилдагидек Қатар пойтахти Доха шаҳрида теннис бўйича нуфузли мусобақа бошланди. Мукофот миқдори 1 миллион АҚШ долларидан кўпроқ бўлган ушбу мусобақада дунёнинг етакчи теннисчилари маҳоратларини синовдан ўтказишаяпти. Негаки, бу мусобақа теннисчилар учун улкан тож туркумига кирувчи Австралия очиқ биринчилиги олдидан тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Ҳаёт ҳикматлари

ИБРАТ

Кўпчилик ҳайрон. Ҳовлисига бир қарич ер қўшиб олса қувонадиган Кимсан аканинг феъли ўзгарди. Зўр ҳашамат билан тиклаган ҳовли деворини бузиришга тушди. Нима бўлди? Бир пайтлар томорқам кенгаяди, деб ариқ бўйини қўшиб, девор кўтарганди.

У яқинда бир ҳикматни ўқиди. Унда ёзилишича, рухсатсиз қўшиб олинган ер қиёматда тавқи лаънат каби инсон бўйнига осиб қўйилар экан.

Бу воқеа бошқаларга ҳам ибрат бўлди. Маҳалла кўчаси кенгайиб, кўнгиллар равшан тортди.

ФАРИШТА

Турсунбой дўхтирнинг дарвозахонасига эрта тонгда супурилиб, сув сепилади. Қизлари ўқишда, аёли хаста, ҳойнаҳой дўхтирнинг ўзи кўча-кўйга қараса керак.

Бир куни тонгда ҳамқишлоқлар ушбу сирдан воқиф бўлишди. Кўшни хонадонга келин тушганди. У саҳар туриб фаришта мисол ўзлари-ю кўни-кўшниларнинг дарвозаси саҳнини супуриб, сув сепиб қўяр экан.

КУЗАТИШ

Маҳаллада ҳурматли инсон — муаллим оламдан ўтди. Таъзияга тумонат одам йиғилди. Жаноза ўқилгач, қабристон узоқлиги учун тобутни машинада элтмоқчи бўлишди. Шу пайт унинг шогирдларидан бири маҳалла оқсоқолидан илтимос қилди.

— Устозимиз бизга илму одобдан сабоқ бердилар. Ижозат берсангиз, у кишининг тобутини қабристонга елкамизда кўтариб олиб борсак.

Бу гап кўпчиликка манзур бўлди. Узоқ кўринган қабристон икки қадамдек туюлди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

❖ Божхона бекати

ВАЛЮТА + 5 ТА ПАСПОРТ

Мамлакатимизда валюта ресурсларидан унумли фойдаланиш, валюта бозорини янада ривожлантириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда хорижий валюталарни ноқонуний равишда мамлакатимиздан ташқарига олиб чиқиб кетишга уринаётган шахслар ҳамон учраб турибди.

Яқинда Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан йирик миқдордаги накд хорижий валюталар контрабандасига чек қўйилди. Қўшни давлатга чиқиб кетаётган фуқаро Р.Қаххорова 23 550 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмасдан яширинча олиб ўтмоқчи бўлганида фош этилди.

Хорижлик фуқаро Н.Муратова эса 30 300 АҚШ долларини мамлакатимиздан яширинча олиб чиқиб кетмоқчи бўлган эди. Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳушёрлик қилиб, ноқонуний ҳаракатга чек қўйишди.

Шунга ўхшаш ҳолат Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам аниқланди. Москвага учмоқчи бўлган фуқаро Л.Ходжабекова ўзини безовта тутгани божхоначиларда шубҳа уйғотди. У шахсий кўрикдан ўтказилганда ёнида божхона баённомасида кўрсатилмаган жами 4 150 АҚШ доллари борлиги маълум бўлди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида, фуқаро К.Пак 12 700 АҚШ доллари ва 5 та фуқаролик паспортини ноқонуний тарзда қўшни республикага олиб чиқмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

АЙЛАНМА ЙЎЛЛАРДАГИ «КАМАЗ»ЛАР

Республикамиз божхоначилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг юртимиз ҳудудидан ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари айланма йўлларда ҳаракатланаётган фуқаро Т.Набиев бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк автомашинани божхона назоратидан ўтказишганда юртимизда етиштирилган 10 тонна помидор ва 350 килограмм бодринг ноқонуний равишда қўшни давлатга олиб кетилаётганлиги маълум бўлди.

Яна бир қонунбузар — У.Тошпўлатов 8 тоннадан зиёд нокни «КамАЗ» русумли автомашинада айланма йўллар орқали юртимизга ноқонуний олиб кирмоқчи бўлганида андижонлик божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Қурилиш муддати
	ЛОТ 1-2:	
Лот-1	Оқдарё туманидаги педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	7 ой
Лот-2	Пахтачи туманидаги тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	7 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялантирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 1-уй, **телефон:** 8 (366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва қўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдонида соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
16380 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.30
7
Sotuvda erkin narxda